

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА КАСБИЙ АУТОПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Maqolada autopedagogik kompetentlik takomillashtirish, ularning samaradorligini ta'minlovchi omillarni ilmiy-nazariy talqin qilish, qo'yilgan muammolarni hal etish uchun taklif etilayotgan akmeologik yondashuv texnologiyalarini qo'llash, samarali usul va vositalarni ishlab chiqish, kasbiy ta'limda o'quv-tarbiya jarayonining samaradorligi va sifatini oshirish uchun foydalaniladigan o'quv-uslubiy ko'rsatmalar keltirilgan.

Kalit so'zlar. Autopedagogik kompetentlik, samarali usullar, samaradorlik, akmeologik yondashuv, shaxsiy ijodiy fazilatlar, kelajakdagi ta'lim faoliyati, ilg'or pedagogik texnologiyalar.

В статье рассматриваются вопросы совершенствования аутопедагогической компетентности, научно-теоретической интерпретации факторов, обеспечивающих их эффективность, использования предложенного акмеологического подхода к решению задач, разработки эффективных методов и средств обучения, используемых для повышения эффективности и качество учебного процесса, даны методические указания.

Ключевые слова. Аутопедагогическая компетентность, эффективные методы, эффективность, акмеологический подход, личностные творческие качества, будущая учебная деятельность, передовые педагогические технологии.

The article discusses the issues of improving autopedagogical competence, the scientific and theoretical interpretation of the factors that ensure their effectiveness, the use of the proposed acmeological approach to solving problems, the development of effective methods and teaching tools used to increase the efficiency and quality of the educational process, guidelines are given.

Key words. Autopedagogical competence, effective methods, efficiency, acmeological approach, personal creative qualities, future educational activities, advanced pedagogical technologies.

Мамлакатимизда малакали кадрлар тайёрлаш, таълим сифатини оширишга қаратилган ишлар олиб борилаётган бир шароитда касбий аутопедагогик компетентлик, касбий маҳорат ва маданиятнинг етарли даражада эмаслиги, касбий маҳоратни шакллантириш ва бўлажак ўқитувчисининг аутопедагогик компетентлигини ривожлантириш муаммолари бўйича тадқиқот ишини олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Аутопедагогик компетентликни шакллантиришни моделлаштиришнинг назарий-методологик асослари, бўлажак бўлажак ўқитувчисининг шаклланиш жараёни, унинг ижодий педагогик индивидуаллиги очиб берилмаслигини фаолиятда касбий шаклланишини аниқлаш ҳисобга олинмаслигини билдиради. Шу сабабли олинган илмий маълумотлар ва улар асосида ишлаб чиқилган тавсиялардан мутахассислар томонидан турли инновацион изланишлар ва ишланмалар бўйича фойдаланиш,

бўлажак ўқитувчининг аутопедагогик компетентлигини ривожлантириш муаммосини ўрганишнинг илмий-амалий воситалари таклиф этилиши муҳим аҳамиятга эга.

Бўлажак ўқитувчининг аутопедагогик компетентлигининг меъёрий-прогностик моделини синовдан ўтказиш, ижтимоий-педагогик тизимда, ўқувчилар жамоаси - ўқувчи шахсида маҳсулдор муаммоларни ҳал қилиш алгоритмлари тизимини ишлаб чиққан ҳолда, бўлажак мутахассисларнинг аутопедагогик компетентлигини ривожлантиришни оптималлаштиришга мўлжалланган ўқув қўлланмалари ва тавсияларни ишлаб чиқишда илмий-услубий асос сифатида фойдаланиш мумкин.

Бўлажак ўқитувчининг аутопедагогик компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришнинг педагогик тизимини ишлаб чиқишда, бўлажак ўқитувчининг малакасини оширишда ҳал қилувчи рол ижтимоий шарт-шароитларга тегишли бўлиб, шахс фаолиятига, ўз-ўзини тарбиялашга муҳим аҳамият берилади.

Шу мақсадда, ўқитувчини ўз касбининг “Акме” элементларини яратишга имкон берувчи асосий таркибий қисмларга (билим, мулоқот, ўз-ўзини тарбиялаш профессионализми) эга бўлган бўлажак ўқитувчисининг аутопедагогик компетентлигининг меъёрий-прогностик модели ишлаб чиқилди. “Акме” ҳолати элементларини моделлаштиришда шахснинг психофизиологик захираларидан фойдаланишни назарда тутиб, бўлажак йўналишида бўлажак ўқитувчини ўқитиш жараёнида аутопедагогик компетентликни ривожлантириш учун меъёрий-прогностик моделни ишлаб чиқиш психологик-педагогик жиҳатдан асосланади.

Бўлажак ўқитувчининг аутопедагогик компетентлигини ривожлантириш жараёнини оптималлаштириш йўллари, “Мен-образи” ижтимоий-педагогик тизимида педагогик муаммоларни унумли ҳал этиш алгоритмларини таклиф этиш зарур.

Шу ўринда тадқиқотнинг тажриба-синов қисми натижасида бўлажак ўқитувчининг аутопедагогик компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик тизими ишлаб чиқилади.

Маълумки, доимий тайёргарликсиз фаол ижодий педагогик шаклни сақлаб қолиш мумкин эмас: ички тасаввурлар, фикрлар, ҳаракат маданияти оқимини ўзлаштириш, актёрлик ва режиссёрлик санъати даражасида педагогик тафаккурни такомиллаштириш методлари ва стратегияларини ўзлаштиришни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўтказилган тажриба-синов ишлари ва бўлажак ўқитувчисининг аутопедагогик компетентлигини ривожлантиришнинг назарий-методологик асосларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бўлажак ўқитувчининг касбий шаклланиш жараёнида унинг ижодий педагогик индивидуаллиги очиб берилмайди ва шаклланимайди. Касбий компетентликни эгаллашнинг қийинлиги шундаки, касбий билимлар методологик, назарий ва методик жиҳатдан барча даражаларда бирданига шаклланиши лозим. Тизимли ёндашувни педагогик тажриба билан биргаликда қўллаб, касбий ўсиш йўналишини ўрганиш жараёнини профессионализация қилиш муаммосини ҳал қилиш инсон фанлари мажмуасини билимлар тизимида бирлаштириш имкониятини кўрсатади.

Бўлажак мутахассиснинг аутопедагогик компетентлигини ривожлантириш жараёнини оптималлаштириш йўллари ишлаб чиқилган ҳолда, бўлажак ўқитувчисининг, талабалар жамоаси-талаба шахсининг ижтимоий - педагогик тизимида касбий муаммоларни унумли ҳал этиш алгоритмлари таклиф этилади.

Бўлажак ўқитувчининг аутопедагогик компетентлигини ривожлантириш ОТМ ва ундан кейинги таълимда мутахассисни такомиллаштириш шароитида омилларни

аниқлашга асосланган ўзига хос тузилиш, мазмун, босқич ва ривожланиш даражалари билан тавсифланади.

Бўлажак ўқитувчининг аутопедагогик компетентлигини самарали ривожлантириш моделларини аниқлаш, тартибга солинмаган таълим жараёни психологик-педагогик, умумий назарий ва умумий маданий компетентликни шакллантиришга, педагогика фани ютуқларини ва иш амалиётида энг яхши амалиётларни амалга оширишга тайёрлигига, шунингдек, ўз-ўзини такомиллаштириш, ўз-ўзини ташкил этиш ва касбий фаолиятга тайёргарликда ўз-ўзини тузатишга катта таъсир кўрсатади. Бўлажак ўқитувчининг аутопедагогик компетентлигини ривожлантириш педагогик тизим яратиш учун акмеологик ёндашувни қўллаш таклиф этилади.

Демак, бўлажак ўқитувчининг аутопедагогик компетентлиги самарадорлигини ошириш имконияти касбий билимлар барча даражаларда: методик, назарий ва методик бир йўла шакллантирилганда намоён бўлади.

Бўлажак ўқитувчисининг аутопедагогик компетентлиги педагогик маҳорат ва технологияларнинг актёрлик ва режиссёрлик даражасидаги касбий маҳоратига боғлиқ. Унинг педагогик фаолияти профессионализми шахсий ва фаолиятга йўналтирилган характерда бўлади. Бу ерда албатта ўқитувчининг ижтимоий ва умуминсоний фазилатларини, касбий-педагогик сифатларини ва шахсни ўз ичига олган ўз-ўзини тарбиялаш билан шуғулланувчи шахс тузилишига катта аҳамият берилади.

Шу сабабли бўлажак ўқитувчининг аутопедагогик компетентлигини ривожлантиришнинг моделини ишлаб чиқишга, педагогик жараён вазифаларининг асосий гуруҳларини ечиш билан боғлиқ алгоритмларни ечишга ва педагогик вазифаларни унумли ҳал этиш алгоритмларига боғлиқ.

Педагогик жараёнда психологик-педагогик, умумий назарий ва умумий маданий компетентликни шакллантириш ва ривожлантиришга, педагогика фани ютуқларини ва энг яхши амалиётларни ўз-ўзини такомиллаштириш ва келажакдаги мутахассиснинг касбий фаолиятини ўз-ўзини тузатишга тайёрлигига энг катта таъсир кўрсатади. Бўлажак ўқитувчининг аутопедагогик компетентлигидаги коммуникатив компоненти фаннинг ўзига хос хусусиятлари бўлажак бўлажак йўналишини ўқитишда коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятларининг ривожланишини таъминлайди.

Олий таълимда инновацион таълим мақсади, таълим мазмуни, таълим бериш воситалари ва мотивация, жараён иштирокчилари (талабалар, ўқитувчилар), фаолият натижалари каби бир неча қисмдан иборат таркибий тузилишга эга ва бўлажак бўлажак йўналиши ни ўқитишда талаба фаолиятини ташкил этиш ва таълим жараёнини назорат қилиш каби бир-бири билан алоқадор икки ўзаро боғлиқ компонентга ажратилади.

Аутопедагогик компетентликнинг қуйидаги таркибий қисмлари мавжуд:

1. Ўзи-ўзини намоён этиши, ўзи ўзини ютуққа етаклаши ва мустақил бўлиши
2. Ўзини ва таълим муҳитини ўзгартириш учун фаол бўлишга тайёрлик
3. Ўз фаолияти мазмунини муаммоли кўриш ва педагогик вазифаларни ижодий ҳал этиш
4. Жараён ва ўзининг фаолияти натижасидан субъектив қониқиш, педагогик рефлексияга эга бўлиш.

Ҳозирда илмий изланишлар пировардида, замонавий таълим тизимида бўлажак мутахассисларнинг аутопедагогик компетентлигини самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш зарурлиги билан боғлиқ мавзунинг долзарблигини

тасдиқлайди. Бўлажак бўлажак ўқитувчиларининг аутопедагогик компетентлигини ривожлантиришда инсон имкониятларини ўрганиш ва иш фаолиятини яхшилаш учун акмеологик ёндашувни қўллаш керак.

Бўлажак ўқитувчининг аутопедагогик компетентлигининг таркибий қисмлари (1-расм) сифатида педагогик технологиялар ва актёрлик ва режиссёрлик санъати муаммосининг назарий шартларининг замонавий ёндашувлари таҳлили амалга оширилди ва бўлажак ўқитувчисининг аутопедагогик компетентлигининг меъёрий – прогностик модели мазмуни ишлаб чиқиши зарур.

Профессионаллик ва компетентлик бир-бирига ўхшаш бўлсада, ҳар хил маънога эга бўлган атамалардир. Профессионаллик деганда нафақат маълум билимлар, балки меҳнатга бўлган муносабат, ишнинг ўзига хос хусусиятлари тушунилади. Ривожланган компетенциялар дарҳол сезилади, чунки профессионал педагог ўз кўникмаларини ривожлантиришга ҳаракат қилади, муайян мақсад ва натижаларга эришишга интилади, ишчан қадриятлар ишлаб чиқаради ва булар одатда иш жараёнининг стандартига мос келади. Компетентлик эса бироз мураккаб мазмунга эга, сабаби, нафақат билимларнинг мавжудлигини, балки шу билан бирга уларни қўллаш қобилиятини ҳам тақозо этади. Компетентлик фақат кенг қамровли баҳолаш ва кузатиш пайтида аниқланиши мумкин.

Педагогларнинг аутопедагогик компетентлигини баҳолаш қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлган тизимдир:

- педагогларнинг малака даражаси – баҳолаш учун эталонга мос мезонлар ишлатилади;
- меҳнат унумдорлиги ва иш сифати;
- шахсий хусусиятларнинг таълим йўналишига мувофиқлиги;
- қўшимча кўникмалар мавжудлиги;
- шахсий ўсиш ва касбий ривожланиш истаги.

Педагогларнинг компетентлигини баҳолашда ҳатти-ҳаракатларнинг кўрсаткичларига таяниб иш тутиш самаралидир.

О.М. Шиян таърифига кўра, “аутопедагогик компетентлик” – ўқитувчининг мактаб томонидан унга қўйилган талаблар талаблар мажмуи доирасида ўз-ўзини такомиллаштириш ва ўз-ўзини ривожлантириш қобилияти бўлиб, унинг педагогик технологияни эгаллаши ва педагогик фаолиятга нисбатан қадриятли муносабатидир.

Бўлажак ўқитувчининг аутопедагогик компетентлигини унумли ривожлантиришни оптималлаштириш қонуниятлари, механизмлари, шарт-шароитлари ва омиллари тадқиқ этилади. Бўлажак технология фани ўқитувчисининг аутопедагогик компетентлигини шакллантиришнинг назарий моделини тузишда қуйидаги ёндашувларга таяндик:

1) Компетентли ёндашув: таркибий қисмлар сифатида "компетентлик" ва "компетенция" тушунчалари мазмунида турли муаллифлар: фаолиятга тайёрлик, фаолиятга эгалик, фаолиятга жалб этиш ўлчови, муваффақиятли, мустақил ва самарали фаолият тажрибаси; шахснинг шахсий сифатлари ва унинг қобилиятлари, интеллектуал ва қадрий-эмоционал хусусиятлари деб таърифлайдилар.

2) Процессуал-когнитив. Процессуал-когнитив ёндашув бўлажак ўқитувчиларда касбий компетентликнинг икки таркибий қисмини: шахснинг когнитив даражаси ва тафаккурнинг методик турини шакллантиришни ўз ичига олади. Бу икки таркибий қисм ўзаро боғлиқ бўлиб, улар бўлажак ўқитувчининг самарадорлигининг асосини ташкил этади.

3) Субъектив – фаолиятли ёндашув. Бундай ёндашув доирасида фаолиятда

фаол субъектив ҳолат шаклланади, бўлажак ўқитувчининг касбий йўналганлиги, ўз касбининг аҳамиятини англаши ва доимий ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини такомиллаштириш мотивациясининг ортиши амалга оширилади.

4) Индивидуал-ижодий ёндашув. Касб таълими жараёнида талабанинг ўзига индивидуал – иждодий ёндашуви стратегияси ва касбий-ижодий ўз-ўзини ривожлантириш ва бўлажак мутахассиснинг индивидуаллигини шакллантириш ва ўз-ўзини бошқариш стратегияси ва тактикаси.

5) Инновацион ёндашув. Ушбу ёндашув технология фанини ўқитишда анъанавий ёндашувлардан холи бўлиб, талабаларнинг инновацион фаолияти, уларнинг билиш ва илмий-тадқиқот фаолиятига бўлган интилиши ҳамда касбий фаолиятда ўз-ўзини англашига йўналтирилган.

Ўқитувчининг аутопедагогик компетентлиги қуйидаги компонентларнинг мавжудлигини таъминлайди: мотивацион, коммуникатив, иждодий, гностик ва рефлексив.

Бўлажак ўқитувчининг аутопедагогик компетентлигини шакллантиришнинг назарий моделини амалга оширишнинг мақсади – ўқитувчининг иждодий индивидуаллигини шакллантириш, унинг ташаббускор ва маҳоратли, педагогик инновацион таълим муҳитида ўзини-ўзи такомиллаштириши ва ўзини-ўзи намоён этиши қобилиятини ривожлантиришдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Базикова А.А. Аутопсихологическая компетентность как компонент учебно-воспитательного процесса в музыкальных учебных заведениях: Дисс...к.п.н. – М.: ПроСофт, 2003. – С.167.

2.Исламова М.Ш. Ёшларда креатив тафаккурни шакллантиришнинг педагогик асослари/ Халқ таълими Республика илмий-методик журнали, (ISSN 2181- 7839) 2020 йил 3-сон. – Б. 33-37. (13.00.00; №17).

3.Масовер Н.Ю. Становление аутопедагогической компетентности будущего преподавателя классического университета // Вестник Новгородского государственного университета. – 2009. – №53. – С. 46.

4.Прокофьева М.Ю. Профессионально-педагогическая компетентность как интегральная характеристика будущего педагога // Крымский государственный гуманитарный институт (г. Ялта). – 2004. – С. 4.

5.Шиян О.М. Аутопедагогическая компетентность учителя // Педагогика. – 2000. – №1. – С. 63.

6. Эрназарова Г.О. Формирование профессионального творчества будущих специалистов// Международный научный журнал «Образование и воспитание» (ISSN 2410-4515), 2020, №5.74-77 с.

7.Масовер Н. Ю. Становление аутопедагогической компетентности будущего преподавателя в классическом университете // Вестник НовГУ. 2009. №53.

8.Жидкова И.А. Аутопедагогическая компетентность// Ж.Педагогическое мастерство и педагогические технологии, 2015, №2(4). – С.332-334.

Санжар РАХИММИРЗАЕВ,
PhD, Национальный университет Узбекистана им. М. Улугбека,
и.о. доцента кафедры психологии,
Ташкент, Узбекистан

СУЩНОСТЬ И ПОНЯТИЕ САМОРЕГУЛЯЦИИ ЛИЧНОСТИ В ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ НАУКЕ

Ushbu maqola psixologiya fanida shaxsning o'zini o'zi boshqarishning mohiyati va konsepsiyasini nazariy o'rganish natijasini taqdim etadi. Ko'rib chiqilayotgan muammoning dolzarbligi ko'rsatilgan, shaxsning o'zini o'zi boshqarishning mohiyati va konsepsiyasining zamonaviy tushunchasi ochib berilgan, uning asosiy tarkibiy qismlari yoritilgan.

Калит so'zlar. O'z-o'zini tartibga solish, tartibga solish, o'z-o'zini faollik, o'zini o'zi boshqarish, shaxsning o'zini o'zi boshqarishi.

В настоящей статье приведен результат теоретического исследования сущности и понятия саморегуляции личности в психологической науке. Показана актуальность рассматриваемой проблемы, раскрыто современное понимание сущности и понятия саморегуляции личности, выделены основные её структурные составляющие.

Ключевые слова. Саморегуляция, регуляция, самоактивность, самоуправление, самоконтроль личности.

This article presents the result of a theoretical study of the essence and concept of personality self-regulation in psychological science. The relevance of the problem under consideration is shown, the modern understanding of the essence and concept of personality self-regulation is revealed, its main structural components are highlighted.

Key words. Self-regulation, regulation, self-activity, self-management, self-control of a person.

Проведённый анализ научной литературы по изучаемой проблеме показывает, что исследования регуляторной функции психики относятся к фундаментальным проблемам психологии. Это, как правило, обусловлено разнообразными формами деятельности и поведения человека, соответствующими актами общения в ходе активной адаптации личности, взаимодействия с физическим, предметным и социальным окружением. На сегодняшний день, важность психологического исследования феномена саморегуляции, ее психологического содержания, роли в сохранении психического здоровья личности отмечается как учеными различных отраслей психологической науки, так и учеными смежных областей знаний. Весьма повышенный интерес к проблеме саморегуляции личности предопределяется не только исключительно теоретическими соображениями, но и перспективами для решения конкретных практико-ориентированных задач [5, 8, 9]. Вместе с тем, несмотря на важность, а также большого интереса со стороны различных современных исследователей к изучаемой проблеме, данный феномен трактуется относительно разнопланово, имея множества схожих понятий, вступающая